Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
201__ A

**2019 йил** *Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили*

# Qishloq hayoti

*O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 12-fevral, seshanba 13 (8980)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шаклларини кенг жорий этиш, айниқса, уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия муассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

**2019 йил 1 мартдан** "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкасини **1,5 баробарга** ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишлича раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг **75 фоизи** даражасида белгилаш;

**2019 йил 1 октябрдан** "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устамани бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

**2019 йил 1 мартдан** бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори **1,33 баробарга** оширилиб, **820 000 сўмни** ташкил қилади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

**2019 йил 1 октябрдан** бошлаб жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг **75 фоизи** миқдорида тўланади;

васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда **170 000 сўм миқдорида** компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

**(Давоми 2-саҳифада)**



## Андижонда газ таъминоти яхшиланмоқда

Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар.

***"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти Андижон вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали томонидан аҳолига табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш борасида эътиборга молик ишлар қилинмоқда.***

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқлари, дастурлар, фармон ва қарорлар ижроси доирасида белгиланган барча ишлар тегишли тартибда амалга оширилмоқда, – дейди "Ўзтрансгаз" АЖ Андижон вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали раҳбари Давронбек Салоҳиддинов. – Жумладан, вилоятда намунали лойиҳалар асосида барпо этилган 1 минг 205 та уй-жойнинг 564 тасига техник ҳужжат тайёрланиб, 12,7 километр узунликда газ қувури тортилди ва табиий газ билан таъминланди, 641 та янги хонадонга суюлтирилган газ баллони етказиб берилди.

Ана шу ишлар натижасида аҳолига газ етказиб бериш тубдан яхшиланди.

– Аввал Андижон шаҳри марказидаги умумий ҳовлиларда яшасак-да, табиий газ таъминоти бўйича, айниқса, қиш ойларида қийналар эдик, – дейди Хўжаобод тумани Хидирша массивида барпо этилган "Мустақилликнинг 27 йиллиги" маҳалласидаги уйлардан бирида яшовчи меҳнат фахрийси Неъматжон Нурматов. – Ўтган йил кузда яшаш учун етарли шароитлар бўлмаган, тор ва кўримсиз умумий ҳовлиларимизнинг бузилиши ҳисобига берилган 2 сотихли намунали уйларга кўчиб ўтдик. Газ таъминоти корхонаси ҳар бир хонадонга табиий газ ўтказиб берди. Мана, қишнинг аёзли кунлари ҳам ортда қоляпти, табиий газ бўйича умуман муаммо бўлгани йўқ.

Шунингдек, ўтган йили Андижон шаҳрида қурилган кўп қаватли 14 та уй, шунингдек, ҳарбийлар, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар тизими ходимлари учун қурилган 9 та кўп қаватли хизмат уйларига 2,32 километрлик газ қувури тортилиб, уйлар тўла газлаштирилди.

Куз-қиш мавсумида газ таъминоти тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида 3 минг 649 та газ тақсимлаш қурилмаси техник кўрикдан ўтказилди. 152,9 километрлик газ тармоғи юқори босим остида синовдан ўтказилиб, тозаланди.

Аҳолига вилоятдаги бешта газ тўлдириш пункти орқали суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Албатта, етказиб берилаётган газ ҳажми ҳам йилдан-йилга ортаётир. Хусусан, 2017 йилда 34 минг 777 тонна суюлтирилган газ етказиб берилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 42 минг 578 тоннани ташкил этди.

Янада қулайлик яратиш, суюлтирилган газ билан таъминланиш даражасини яхшилаш мақсадида суюлтирилган газ баллони тарқатишга мўлжалланган 7 та "ISUZU" русумли, 27-30 тонна ҳажмдаги суюлтирилган газ ташувчи 7 та "MAN" русумли махсус автотранспорт воситалари харид қилиниб, газ тўлдириш станциялари ихтиёрига берилди. Шунингдек, Шаҳрихон, Қўрғонтепа ва Асака туманларидаги газ тўлдириш пунктлари ҳудудларида маиший газ баллонларини техник синовдан ўтказиш ва таъмирлаш марказлари ташкил этилди. Амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасидаги муаммолар бартараф қилинди.

Булоқбоши туманида аниқланган 2 та янги газ кони ишга туширилди. Туман ҳудудидаги ер ости газ тармоғи қайта реконструкция қилиниб, 1,5 километрлик газ қувури тортилди. Натижада 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳududнинг табиий газ таъминоти тубдан яхшиланди. Бундан ташқари, Асака туманида 2 километр ер ости газ тармоғи таъмирланиб, 1000 дан ортиқ хонадонга хавфсиз табиий газ етказиб берилмоқда.

Соҳа мутахассислари томонидан корхона-ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли хонадонларидаги ностандарт иситиш қозонларини тежамкор замонавий қозонларга алмаштириш, газни тежамкорлик билан сарфлаш, шунингдек, газдан фойдаланишда техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга қаратилган кенг кўламли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Навоий** вилояти

***Навбаҳор туманининг "Кўҳрон" маҳалла фуқаролар йиғинида давлат хусусий шерикчилиги асосида 120 ўринли "Камалак" нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.***

## "Кўҳрон"лик болажонларнинг қувончи чексиз

**Отабек АСЛОНОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Тадбиркор Бахтиёр Норов томонидан 3 миллиард 687 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган мазкур икки қаватли муассасада болажонлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бўлиб, рус ва инглиз тилини ўргатиш ҳам йўлга қўйилди.

– Айни пайтда туманимизда 13 та давлат, 2 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда, – дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Соҳиб Будёнов. – Уларга қарийб 2 минг нафарга яқин тарбияланувчи қамраб олинган. Жорий йилда яна 8 та давлат хусусий шерикчилиги асосида, 8 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси, "Обод қишлоқ" дастури доирасида эса ҳар бири 60 ўринли 3 та мактабгача таълим муассасаси бунёд этилади. Яқинда инвестиция дастури доирасида қад ростлаган 2 та боғчани фойдаланишга топширамиз. Қолаверса, жорий йил давомида 25 та оилавий уй боғчасини ташкил этиш режалаштирилган.

Фойдаланишга топширилган муассасада болажонларни мактабга мукаммал тайёрлаш бўйича психолог фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Қолаверса, болажонлар учун тақдим этилаётган витаминларга бой озиқ-овқатлар уларнинг соғлом бўлиб камолга етишини таъминлайди.

**Бухоро** вилояти

## Янги хизмат машиналари топширилди

***Яқинда воҳа туманларида фаолият олиб бораётган ирригация тизимлари раҳбарларига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Cobalt" русумли енгил хизмат автомашиналарининг калитлари топширилди.***

**Ҳамроз АЛИ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ушбу хайрли тадбир учун вилоят маҳаллий бюджетининг йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан бир миллиард қирқ беш миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Бу тадбирни хайрли дейишимизга тўла асос бор. Сабаби, асосий экин ерлари турли даражада шўрланган, иқлими қуруқ континентал бўлган вилоятда сув ресурсларидан тежамкорлик ва омилкорлик асосида фойдаланиш муҳим вазифа саналади. Бу иш сув тизими раҳбар ва мутахассисларидан куну тун қаттиқ меҳнат қилишни талаб этади. Уларга етарли шароит яратилиши эса иш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

– Фермер ва деҳқон хўжаликларига ўз вақтида ва белгиланган миқдорда обиҳаёт етказиб бериш зиммамиздаги вазифа саналади, – дейди Пешку тумани ирригация тизими раҳбари Бекмурод Тошев. – Хизмат машинасининг ажратилиши меҳнат жамоамизнинг ғайратига ғайрат қўшишига сира шубҳа йўқ.

Тантанали тадбирда вилоят ҳокими Ўктам Барноев иштирок этди ва туман ирригация бўлими раҳбарларига хизмат машиналари калитларини топширди.

***Гуллар шаҳри Наманганга ташриф буюриб унинг шаҳар ва қишлоқларида ўз фаолиятини юритмоқчи бўлаётган чет эллик тадбиркор ва ишбилармонларни тез-тез учратиш одатий ҳолга айланмоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз.***

## Инвесторларни мафтун этаётган Наманган

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бошқа ҳудудлардаги каби водийда ҳам қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳитининг яратиб берилаётгани бунга муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Бугунга келиб Наманганда хорижий инвестиция иштирокида 140 дан ортиқ корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. "Наманган", "Косонсой-фарм" эркин иқтисодий зоналари, 10 дан ортиқ кичик иқтисодий зоналар ишга туширилди. Президентимизнинг 2018 йилда Жанубий Корея давлатига қилган ташрифи самараси боис эришилаётган бу каби ҳамкорликлар жорий йилда ҳам ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Яқинда ушбу давлатнинг Чхунчхон-Пукто провинцияси губернаторининг халқаро алоқалар бўйича элчиси Жанг Мюнг Соо бошчилигидаги ҳукумат вакиллари ва ишбилармонларидан иборат делегация Наманганга ташриф буюрди. Бўлиб ўтган учрашувларда томонлар маданий ҳамкорлик алоқалари, туризм, савдо-иқтисодий, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ва импорти борасида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар. Чхунчхон-Пукто провинцияси ва Наманган вилояти ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш каби истиқболли масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Меҳмонлар шу куни Наманганда барпо этилаётган "Афсоналар водийси" боғида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ҳам бориб кўришди. "Истиқлол дизайн маркази"да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечиришди.

"Обод қишлоқ" дастури амалда

## Мирзачўл тажрибаси ўрганилди

***Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жиззах вилояти кенгаши томонидан Мирзачўл туманида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросини ўрганишга бағишланган вилоят намунавий ўқув-семинари ташкил этилди.***

Семинарда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, вилоят ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари асосида Мирзачўл тумани Гагарин шаҳрида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Гагарин шаҳридаги Ўзбек-қозоқ маданият марказида бошланган семинар аввалида иштирокчиларга Мирзачўл туманида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Президентимиз ташаббуси билан дастлаб Дўстлик туманининг Манас қишлоғида намуна сифатида амалга оширилган "Обод қишлоқ" дастури Мирзачўл тумани маркази – Гагарин шаҳрида янада кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қилинган ишлар бўйича батафсил маълумот берилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

болалар уйлари, ногирон болалар учун "Мурувват" интернат уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорлари қўлланилади;

оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг **икки баробари миқдорида ҳисобланади**, бунда меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун амалдаги устама ҳақи бекор қилинади ва "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари учун белгиланган ҳар йилги таътиллар, имтиёзлар ва кафолатлар бериш тартиби сақлаб қолинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига 1 та психолог штат бирлиги, тарбияланувчилари сони 200 нафардан ортиқ бўлган "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига 2 та психолог штат бирликларини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил давомида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер синфларини очиш, тарбияланувчиларни замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитишни ташкил қилиш ва ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, "Меҳрибонлик" уйларини босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 июнга қадар муддатда **2019-2023 йилларда "Меҳрибонлик" уйларини ноинституционаллаштириш дастурини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйларининг тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органларининг "Ишонч телефонлари" орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилсин, шунингдек, "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилишини, "Ишонч телефонлари" узлуксиз ишлашини ҳамда улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланишини таъминласин.

4. **Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича "Йўл харитаси"** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

оилавий васийлик ва ҳомийликнинг турли шаклларини яратишга кўмаклашсин;

2019 йил 1 июнга қадар "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларининг ҳудудлари ва хоналари видеокузатув камералари билан жиҳозланишини таъминласин, видеоёзувлар махсус архивда камида бир ой давомида сақланишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларидаги видеокузатув камераларининг техник созлиги ва узлуксиз ишлашини, кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида архивлаштиришни таъминласин.

6. **Васийлик ва ҳомийлик органлари, "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бошқа тарбия муассасалари**:

давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари, ФҲДЁ ва ички ишлар органлари, давлат тиббиёт ва бошқа муассасалар орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилишда **давлат божи ва бошқа тўловлардан озод этилсин.**

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда харажатлар сметасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳага ихтисослаштирилган муассасаларида тиббиёт тизими педагогик ходимларининг малакасини ошириш учун маблағларни назарда тутсин.

Белгилансинки, асосий ишидан ажралган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларга ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланади.

8. Қуйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар (туман) ҳокимлари:

"Меҳрибонлик" уйларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болалари ҳамда ота ёки онадан бирига эга болаларни вақтинчалик жойлаштириш бўйича қарорларнинг асослантирилганлиги;

уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз вақтида турар жойлар ажратилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Тижорат банкларига етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, шу жумладан, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларга **ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартирали уйлардан квартира сотиб олиш** мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари, **шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредитлар ажратиш тавсия этилсин.**

Белгилансинки, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадали Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший ва турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида, шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон кўп квартирали уйларни қуриш параметрларини шакллантиришда, 2020 йилдан бошлаб уй-жойга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзли ипотека кредити бериш асосида сотиш учун уйлар қурилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ишга жойлаштирилиши устидан тизимли мониторинг механизмини ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

"Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини дастурлаш кўникмаларига ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш мақсадида уларнинг Интернет тармоғига уланиши ва компьютерлар билан жиҳозланишини, бунда 10-11 синф ўқувчиларига "ахборот-коммуникация технологиялари" йўналишида етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шароитлар яратилишини;

электрон ўқув, шу жумладан, компьютер дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги материаллардан фойдаланиш мақсадида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларининг "ZiyoNET" таълим тармоғига уланишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, болаларни уларнинг тутинган ота-оналари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинишини таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин, шунингдек, ҳар йили Давлат бюджети параметрларида ушбу кўрсатилган мақсадлар учун маблағни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 февраль

***Гурланлик Отабек Бекчонов (исм-фамилияси ўзгартирилган) "ихтирочи" йигитлардан чиқиб қолди. Аммо унинг "ихтиро"си ўзига қимматга тушди. Гап шундаки, 2018 йил пахта ҳосили йиғимтерими пайтида Гурлан туманидаги фермер хўжаликларининг бирида тракторчи бўлиб ишлаб келаётган бу йигит давлатга топширилаётган пахта хомашёсининг оғирлигини ошириб кўрсатишнинг "ғаройиб" усулини ўйлаб топди.***

# "Ихтиро"нинг "ИСИ" чиқди

Қатъий ҳисоб-китоб юритишни таъминлаш мақсадида, мавсум олдидан барча пахтани қабул қилиш масканларида электрон тарозилар ўрнатилиб, улар белгиланган тартибда қиёслов кўригидан ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар бир қабул қилиш масканига инспекция ходими бириктирилиб, тарозининг тўғри ишлаши, пахта хомашёсининг махсус рақамланган тиркамаларда келтирилиши ташкил қилинди. Қабул қилинган пахта хомашёси тўғрисидаги маълумот онлайн тизимга киритилиб, пахта етиштирувчиларнинг ортиқча овора бўлишларига чек қўйилди. Содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва ушбу жараёнда шаффофликни таъминлаш чоралари кўрилди.

Мазкур назорат тизимидан хабардор бўлган Отабек Бекчонов эса ўзининг бошқарувидаги трактор тиркамасининг олд қисмига сунъий равишда оғирликни оширувчи мослама ўрнатган. Яъни, трактордаги махсус мурват ҳаракатга келтирилганида тиркамага ўрнатилган ушбу техник мослама тарозидаги пахтанинг оғирлигини салкам 650 килограммга ошириб кўрсатган. Шундай қилиб бу "азамат" мавсум давомида "Гурлан пахта тозалаш" АЖга қарашли "Дўсимбий" пахта тайёрлов масканида 103 миллион сўмдан ортиқ бўлган пахта хомашёсини фермер хўжалиги фойдасига тарозидан ўтказган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан ушбу қинғирлик фош этилди.

Мавсум давомида инспекция ходимлари томонидан вилоятдаги пахта хомашёсини қабул қилиш масканларида ўрнатилган назорат ишлари натижасида шу каби 2 та жиноят иши аниқланди.

**Орифжон АҚМОНОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бош инспектори.*

Сирдарё вилояти

***Ховос туманидаги "Ховособод" маҳалласида "Буюк ипак йўли" маданият маркази фойдаланишга топширилди. Қарийб чорак асрдан буён фаолияти тўхтаб қолган маданият маркази "Обод қишлоқ" дастури доирасида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замон талабларига мос тарзда жиҳозланди.***

# Янги маданият марказида кўҳна Ховос тароналари янгради

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Уни "Янгиобод Бунёдкор" МЧЖнинг қўли гул қурувчилари тўрт ойда замонавий кошонага айлантирдилар. Концерт зали ва хоналарнинг жиҳозланиши барчага манзур бўлди. Қишлоқнинг ўзида ташкил этилган "Кўҳна Ховос тароналари" ансамбли аъзоларининг жонли ижродаги қўшиқлари янги овозларда ховосободликлар ҳукмига ҳавола этилди.

Эътиборлиси, марказда "Эстрада хонандалиги", "Рақс", "Театр", "Доира садоси", "Ёш ўлкашунослар" тўгараклари иш бошлади. Ҳозир 135 нафар ўғил-қиз тўгарак машғулотларида фаол қатнашиб, санъат сирларини пухта ўрганмоқдалар.

***Мамлакатимизда, хусусан, Наманган вилоятида ҳам хусусий соғлиқни сақлаш ва тиббий туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шифохоналар ва сиҳатгоҳлар хизматидан фойдаланадиган чет элликларга муносиб даражада шарт-шароитларни яратиш ғоят муҳим вазифалардандир.***

# Тиббиёт туризми – фаолиятимиздаги янги ва истиқболли йўналиш

Шунинг учун ҳам тегишли муассасаларнинг хорижлик меҳмонларни қабул қиладиган бўлимларининг имкониятларини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Уларга кўрсатиладиган тиббий хизматларгина эмас, балки сервис хизматлари ҳам юксак талабларга жавоб берадиган бўлиши керак.

Яна бир муҳим масала – хорижликларда юртимиз тиббий туризми имкониятлари ҳақида тушунча ҳосил қилишдан иборат. Шунинг учун ҳам тарғибот ишларини кучайтиришимиз лозим. Муассасалар томонидан кўрсатиладиган юқори технологик хизматлар, жарроҳлик амалиётлари, энг малакали мутахассислар ҳақида маълумотларни кенгайтириш, ёрқин рангларда буклетлар чиқариш, видеороликлар яратиш зарур. Уларни ҳозирги кунда вилоятимиздаги тиббиёт муассасаларида даволанаётган чет эллик фуқароларга бепул тарқатиш орқали тезкор рекламага эришиш мумкин. Шаҳар кўчалари ва йирик савдо мажмуаларида видеороликларни телемониторларга жойлаштириш, муассасада ва кўчаларда шифохонада кўрсатилаётган замонавий тиббий хизматлар ёритилган баннерларни жойлаштириш керак. Оммавий ахборот воситаларида соҳа бўйича чиқишлар қилиш, буклетларда шифохоналарнинг манзили, телефон рақамлари, валюта ҳисоб-рақамларини жойлаштириш шарт.

Шу ўринда айниқса, ахборот-коммуникацион технологиялари имкониятларини ушбу вазифага йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Яъни, муассасада тиббий туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан веб-сайтлар очиш ёки ижтимоий тармоқлар орқали барча тиббий хизматлар, айниқса, олиб борилаётган замонавий жарроҳлик ва диагностика амалиётлари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш даркор. Чет эл фуқароларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Е-меҳмонхона тизимига уланиш, намунали туристик пакетлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича тезкор чоралар кўриш кераклигини ҳам унутмаслик керак.

Тиббий туризм фаолиятимиздаги янги ва ғоят истиқболли соҳадир. Уни шакллантириш, янада ривожлантириш учун етарли кўникма ва тажриба зарур. Шу мақсадда тиббий туризм бўйича ўтказиладиган анжуманлар, тақдимотлар, семинар-тренингларда муассасалар раҳбарлари, туризм бўйича масъул мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Тиббиёт ходимларининг чет тилларни чуқур ўрганишларига эришиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тиббий туризмни равнақ топтириш борасида бошлаган изчил интилишларимиз тез орада ўзининг ижобий натижаларини беради, деган умиддамиз.

**Ҳошимжон АСҚАРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш Бош бошқармасининг Наманган ҳудудий бўлими раҳбари.*

# Мирзачўл тажрибаси ўрганилди

(Боши 1-саҳифада)

Иштирокчилар "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида Гагарин шаҳрида янги қурилган "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси", Давлат хизматлари агентлиги Мирзачўл тумани филиали, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган фуқаролар учун қурилган кўп қаватли уй-жойлар, 2-мактабгача таълим муассасаси, туман марказий поликлиникаси фаолияти билан танишди. "Боғбон" ва "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинлари иш тажрибасини ўрганди.

Гагарин шаҳридаги 6 та маҳаллада ташкил этилган 13 та ширкат фаолияти, 176 та кўп қаватли уйда ва 35 та кўчада амалга оширилган таъмирлаш ишлари, ноқонуний қурилмалар ўрнида барпо этилган 94 та айвонли тандирхона, 38 та болалар майдончаси ва бошқа иншоотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Айни пайтда бу ерда нафақат ижтимоий соҳа, балки иқтисодиёт, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш, аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муҳим йўналиш сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Дастур доирасида дастлаб эски уйларда яшовчи аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси", "Мирзачўл чорва комплекси", "Мирзачўл текс" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда нон цехи, мини-маркет, ҳаммом каби объектлар ташкил этилиши туфайли ҳудудда 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Семинар иштирокчилари бундай катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, хотин-қизлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик билан қизиқди. Ушбу масалаларда тажриба алмашиш бўйича ўзаро мулоқотлар бўлиб ўтди.

Албатта, ўтган йили "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида Мирзачўлдан бошқа ҳудудларда ҳам иш олиб борилди. Дастур асосида ҳар бир туманда 2-3 тадан, умумий ҳисобда 33 та маҳалла обод ва кўркам бўлди.

– Дастурлар доирасидаги белгиланган ишлар вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам бу каби пухта бажарилган эмас, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жиззах вилояти кенгаши раиси биринчи ўринбосари




Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган суратлар.

А.Сатторов. – Ўтган йили тасдиқланган маҳаллаларнинг айримларида иш ҳалигача бошлангани йўқ. Бугунги семинардан кўзланган мақсад ҳам Дўстлик тумани Манас қишлоғи ва Мирзачўл тумани Гагарин шаҳрида орттирилган тажрибадан фойдаланиб, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни амалга оширишни барча ҳудудларда тезлаштиришдир.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 30-31 январь кунлари вилоятга ташрифи чоғида 2019 йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайтирилишини таъкидлади.

Семинарда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга оширишда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаоллик кўрсатган маҳалла раислари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Фарғона вилояти

# Бир шапалоқ ер инъоми

## ёки ҳар қарич ер ҳисобли бўлган ҳудудда андижончасига иш услуби

***Водийликларнинг ўзаро ҳангомаларида "Агарда ойда бозор очилса, қуваликлар ёки олтиариқликлар биринчилардан бўлиб етиб боради", деган гап ўртага чиқади.***

■ **Қобилжон АСҚАРОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Мазкур таъриф замирида қувалик ва олтиариқлик деҳқонлар ҳамда боғбонларнинг нақадар меҳнаткаш эканликлари, айниқса, ҳар қарич ердан уддабуронлик билан фойдаланишларига ишора бор. Дарҳақиқат, улар ички ва ташқи бозорга юртимиз бренди бўлган энг сара мева-узум, сабзавот ва резаворлар етказиб беришда ўзига хос тажрибага эга эканликларини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз.

Бир парча томорқага эга бўлган инсон ўзини бахтли ҳисоблайдики, ҳатто ғичир-ғичир тошлоқ ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган боғ ёки токзорга айлантирилган. Лўнда қилиб айтсак, бир туп дарахт ёхуд ток кўчати ўрни ҳам ҳисоб-китобда туради. Сўнгги йилларда томорқадан самарали фойдаланиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган имконият ва имтиёзлар ўз самараларини бера бошлади. Турли ҳажмда иссиқхоналар барпо этиш, шу орқали субтропик мевалар етиштириш, интенсив боғ ва токзорлар яратиш орқали эса ширали, мазали, энг муҳими, харидорларни ўзига тортувчи мева ва узум етиштириш кўлами кенгаймоқда. Томорқадан йил давомида фойдаланишнинг одатий ҳолга айланаётганлиги эса даромаднинг мунтазам равишда ортишига пойдевор бўлаётир.

Бугун зикр этилаётган туманларга бориб, қишлоқларни айлансангиз, меҳнатнинг таги роҳат, деган ҳикматнинг мағзини чақасиз. Бор гапни айтсак, одамларнинг турмуш тарзида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигига амин бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги "Фарғона вилоятида томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-амалий салоҳиятни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида томорқага бўлган муносабатда замонавий ёндашув зарурлиги ўз аксини топган. Томорқа ер эгаларининг даромадини ошириш учун мавжуд улкан салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаётганлиги, илғор ва инновацион агротехнологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ масалада ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эканлиги алоҳида қайд этилган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қува туманидаги 395 гектар ер майдонига эга бўлган Фарғона илмий-амалий станцияси мулкини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш тўғрисидаги таклифга розилик берилди. Ушбу мулк негизида Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий марказини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.



Мазкур Марказ низом жамғармасини тўлдириш учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 8 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Ушбу маблағ инновацион технологияларни жорий этиш, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар ташкил этиш ва тегишли инфратузилмани реконструкция қилиш учун сарфланади.

Айни чоғда Марказда белгиланган вазифалар ижроси давом этмоқда. Иссиқхоналар мажмуаси қурилиши қизғин бормоқда. Ҳар бир иссиқхона маълум бир йўналишда фаолият кўрсатади. Бирида эртаки сабзавотлар, резаворлар, бошқасида эса субтропик мевалар етиштирилади. Бунинг учун уларнинг бирламчи кўчатчилиги узвийлиги таъминланади. Парранда, балиқ, қуён, асалари ва майда шохли молларни интенсив усулда кўпайтириш ҳам Марказ фаолиятида алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Набижонов билан Марказ инфратузилмаси билан боғлиқ ишларни кўздан кечирдик. Кузатувимиз давомида сездикки, ташкил этилаётган Марказ томорқа ер эгалари учун замонавий маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтайди. Томорқа фаолиятига дахлдор бўлган бир қатор уюшмалар кўмагида сўнгги русумдаги инновацион янгиликларни жорий этиш билан боғлиқ инфратузилма объектлари барпо этилиши баробарида илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилади. Мева, узум ва сабзавот экинлари селекцияси, бунда маҳаллий навларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилиши устуворлик касб этади.

Хўш, Марказ фаолиятида яна қандай жиҳатлар бўлади? Фарҳод Набижоновнинг айтишича, ўқув хоналари, ётоқхона, тажриба майдонлари бир-бирига туташ тарзда барпо этилмоқда. Республикамизнинг барча томонларидан келадиган томорқачилар ҳафталик ўқув давомида соҳа олимларининг чиқишларидан баҳраманд бўлади. Бир вақтнинг ўзида амалий машғулотларда иштирок этади. Марказ жойлашган ҳудуд атрофида хонадонлар борки, машғулот қатнашчилари томорқа ер эгаларининг тажрибасини кўриш ва кузатиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирда Марказнинг моддий таъминотини қарорда кўрсатилганидек таъминлаш билан боғлиқ ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кўплаб техника воситалари харид қилинди. Томчилатиб суғориш усули жорий этилмоқда. Тупроққа, кўчат ва экинларга ишлов берадиган мини технологияларни қўллашга оид дастур ижроси билан боғлиқ вазифалар ечимини топмоқда. Ўқув машғулотлари мавсумий тарзда эмас, балки йил давомида олиб борилади.

Шу кунларда Марказ тасаррувфидаги боғ ва токзорларда тажриба хўжалиги боғбонлари ва ишчилари баҳорги ишларни олиб бормоқда. Пакана ва ярим пакана мевали дарахт кўчатлари харидорлар эътиборига ҳавола этиляпти. 2020 йил учун уруғлик ва данакли мева кўчатлари етиштиришга дастлабки асос қўйилмоқда. Марказ бош ҳосилоти Мурожон Тешабоев бу ерда етиштирилаётган мевали кўчатлар ва токлар ҳақида ўртоқлашар экан, халқ селекциясини ривожлантириш ҳам асосий вазифалардан бири эканлигига урғу бериб ўтди. Бунинг учун етарли хом ашё бор. Марказда ташкил этилаётган ўқув-тажриба мактаби республикамиз бўйича бу борадаги амалий тадқиқотларни олиб боришга янада қулай имконият яратади.

**Ҳеч кимга сир эмаски, яқин вақтга қадар Тошкент вилояти маъмурий марказининг йўқлиги кўплаб муаммоларни туғдириб келарди. Ҳокимлик, барча вилоят ташкилотлари пойтахтда жойлашганди. Чунки бир юмуш билан пойтахтга отланган аҳоли ва мутахассисларнинг турли йиғинлар ҳамда тадбирларга бормоқчи бўлган раҳбарларнинг вақтлари йўлда ўтарди. Ушбу муаммо сабаб Тошкент вилояти қурилиш, шаҳарсозлик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича бошқа ҳудудлардан анча ортда қолаётгани ҳам бор ҳақиқат эди.**

Тошкент вилояти

# Нурафшон чирой очмоқда

■ **Иброҳим ТОШЕВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятининг маъмурий марказини белгилаш борасидаги ҳаётбахш ҳужжатга имзо чекиши билан ушбу муаммолар барҳам топди. Собиқ Тўйтепа шаҳри негизида янгитдан ташкил этилган Нурафшон шаҳри бугун вилоятнинг маъмурий маркази сифатида кун сайин чирой очиб бормоқда. Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уни сўнгги замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қисқа фурсатда тезкор қурилиб, фойдаланишга топширилган кўплаб иншоотлар аҳолига беминнат хизмат кўрсата бошлади. "Маҳалла ва Нуронийлар" маркази, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг янги бинолари ва яна фойдаланишга топширилган, ҳар бири етти қаватдан иборат 4 та уй-жой ҳамда бошқа бир қатор масканлар маъмурий марказнинг илк пойдевори қўйилган қалдирғоч иншоотлари ҳисобланган бўлса, яна ўнлаб вилоят ташкилот ва бошқармаларининг бинолари фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Улар орасида "Ёшлар маркази", турли спорт мажмуалари, аҳолига хизмат кўрсатувчи бир қатор инфратузилма ва бозорларнинг мавжудлиги вилоят аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

– Маъмурий марказнинг янгилиги, вилоят ташкилот ва корхоналарининг пойтахтдан Нурафшонга кўчиб кела бошлаганлиги муносабати билан шаҳарда биринчи навбатда "Ўзшаҳарқурилиш" инвест инжиниринг компаниясининг буюртмалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида кўплаб янги уй-жойлар қурилмоқда, – дейди "Ипотека банк" вакили Сардор Холбоев. – Ушбу йўналишда ўтган йили жами 168 та оилага янги уйлар калити топширилган бўлса, айни вақтда шаҳарнинг обод маҳалласида ҳар бири 7 қаватли жами 420 хонадонга мўлжалланган 10 та янги уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Дарвоқе, бугун кўркам масканга айланган ушбу ҳудудда замонавий шаҳарсозлик бўйича янги мавзега асос солинмоқда. Бунёдкорлик ишларини тез, сифатли амалга оширган "Акобир Авто транс" ҳамда "Эко панел конструкция" МЧЖ қурувчилари айни вақтда сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

– Бинолар қурилишидан ташқари, уй-жойлар атрофида шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз, – дейди иш бошқарувчи Жамол Мамадиёров. – Жумладан, болалар ўйингоҳи, спорт майдончалари ташкил этилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Ариқларга лотоклар ётқизиб, йўлакларга асфальт қопланяпти. Ҳадемай, бу ерларга ноёб турдаги гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, уларни суғориш тизимлари йўлга қўйилади. Тунги ёритиш воситалари ишга тушади. Энг муҳими, ҳудудда ўзига хос фауна, ландшафт яратилади. Ушбу хайрли ишларнинг барчаси шаҳар кўркига янада кўрк бахш этиши турган гап.

Эътирофли жиҳати шундаки, маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бутун шаҳар бўйлаб бошланиб кетган ялпи қурилиш ишлари суръати кун сайин ортиб боряпти. Бутунлай қайтадан қурилиб, аввалги ҳолатига нисбатан 2-3 баробарга кенгайтирилган Бекобод – Тошкент автойўлининг икки томони бўйлаб кўп қаватли бинолар, турли ишлаб чиқариш ва савдо мажмуалари барпо этиляпти. Бугун Нурафшоннинг тунги қиёфаси ҳам фусункор, ранг-баранг чироқлар ёғдусида ўзига хос манзара касб этган. Айни жараён давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан асос солиниб, тобора чирой очаётган шаҳарнинг эртаси бундан-да порлоқ бўлажагини кўрсатиб турибди.

# Хурмо қачон мўл ҳосил беради?

***Хурмо Ўзбекистон учун нисбатан янги субтропик дарахт ҳисобланади. 1938 йилда Деновдаги Жанубий Ўзбекистон тажриба станциясида илк бор ярим гектарлик хурмо боғи ташкил этилган. Ҳозирда унинг "Вахш", "Шарқ хурмоси", "Зенджи–мару", "Тожикистон" навлари Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Самарқанд ва бошқа вилоятлардаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқаларида парваришланмоқда.***

Хурмодан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун дарахтларни агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда парваришлаш, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лозим.

Хурмо дарахти қуёш нури кўп тушадиган ерда яхши ва бақувват бўлиб ўсади. Боғлардаги дарахтлар оралиғи қора шудгор қилинади. Томорқаларда дарахтлар атрофи юмшатилади.

Бир гектар боғ майдонига соф ҳолда 100-120 килограмм азот, 70-100 килограмм калий ва 90 килограмм фосфор солинади, 10-20 тонна чиринди ҳам берилади. Томорқадаги бир туп хурмо дарахти тагидаги тупроққа соф ҳолда 250-300 гр. азотли, 200-220 гр. фосфорли ва 180-200 гр. калийли ўғит солинади. Ҳар 2-3 йилда ўртача 50-60 килограмм чириган гўнг бериш ҳосилдорликни оширади.

Ўсув даврида ер шароитига қараб 8-10 марта суғорилади. Чанқатиб ёки чўллатиб суғориш мумкин эмас.

Хурмо дарахтига ўргимчак ва қизил кана, қалқондор, узум куяси каби ҳашаротлар, бактериоз, чириш ва мева тўкилиш касалликлари зарар етказади. Ҳашаротлар шохлар, новдалар, барглар ва меваларга жойлашиб олиб, уларнинг ширасини сўради. Дарахтнинг ўсиши ва ривожланиши сустлашади, барглари, мевалари тушиб кетади, ёш ғўралар пишмай қолади. Касалликлар ҳам худди шундай оқибатларга олиб келади.

Қиш мавсумида ҳашаротларга қарши "Препарат-30" мойи, касалликларга қарши 1 фоизли мис купороси ёки 3 фоизли бордо суюқлиги билан ишлов берилади. Баҳорда гуллашдан олдин ва кейин 1 фоизли бордо суюқлиги пуркалади, дарахт танаси 10 фоизли оҳак эритмасига 3 фоизли темир купороси қўшиб оқланади. Бундай карантин тадбирлари хурмо ҳосилдорлигини ва товар сифатининг ошишини таъминлайди.



**Мурожон МУҲАММАДЖОНОВ,**
*"Тошкент Аэро" Ўсимликлар карантини чегара маскани агроном инспектори.*

√Эълон

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

## бўш (вакант) профессор-ўқитувчи лавозимларига меҳнат шартномаси асосида танлов эълон қилади (февраль):

### КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:

**1.** Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; **2.** Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; **3.** Агробиотехнология кафедраси; **4.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; **5.** Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси.

### ПРОФЕССОРЛАР:

**1.** Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; **2.** Ўсимликшунослик кафедраси; **3.** Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; **4.** Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; **5.** Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,75); **6.** Агробиотехнология кафедраси (0,5); **7.** Ўрмончилик кафедраси (0,5); **8.** Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси (0,5); **9.** Агрологистика кафедраси (0,5); **10.** Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби кафедраси.

### ДОЦЕНТЛАР:

**1.** Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; **2.** Ўсимликшунослик кафедраси (0,5); **3.** Соя ва мойли экинлар кафедраси; **4.** Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция); **5.** Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси (0,75); **6.** Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; **7.** Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; **8.** Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; **9.** Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; **10.** Мевачилик ва узумчилик кафедраси; **11.** Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; **12.** Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси (ботаника); **13.** Агробиотехнология кафедраси; **14.** Физика ва кимё кафедраси (физика 0,25); **15.** Балиқчилик кафедраси; **16.** Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); **17.** Ўрмончилик кафедраси; **18.** Манзарали боғдорчилик кафедраси; **19.** Доривор ўсимликлар кафедраси (0,5); **20.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси (0,75); **21.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедраси; **22.** Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; **23.** Агрологистика кафедраси; **24.** Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби кафедраси (0,5).



### КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

**1.** Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция); **2.** Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси (0,5); **3.** Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,75); **4.** Балиқчилик кафедраси; **5.** Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); **6.** Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа); **7.** Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси (0,5); **8.** Агрологистика кафедраси (0,75); **9.** Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби кафедраси (0,25); **10.** Ахборот технологиялари ва математика кафедраси (ахборот технологиялари).

### АССИСТЕНТЛАР:

**1.** Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; **2.** Ўсимликшунослик кафедраси; **3.** Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция); **4.** Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси (0,75); **5.** Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; **6.** Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; **7.** Қишлоқ хўжалиги фитопотологияси кафедраси; **8.** Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; **9.** Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,5); **10.** Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; **11.** Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси (физиология 0,75); **12.** Агробиотехнология кафедраси (0,75); **13.** Физика ва кимё кафедраси (физика 0,25); **14.** Физика ва кимё кафедраси (кимё 0,75); **15.** Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,5); **16.** Балиқчилик кафедраси; **17.** Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); **18.** Умумий зоотехния кафедраси (зоомуҳандис); **19.** Ўрмончилик кафедраси; **20.** Манзарали боғдорчилик кафедраси; **21.** Гуманитар фанлар кафедраси (социология 0,25); **22.** Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа); **23.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; **24.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедраси (0,5); **25.** Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; **26.** Агрологистика кафедраси (0,25); **27.** Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби кафедраси (0,75); **28.** Ахборот технологиялари ва математика кафедраси (ахборот технологиялари 0,5).

### ЎҚИТУВЧИЛАР:

**1.** Тиллар кафедраси (рус тили); **2.** Тиллар кафедраси (инглиз тили); **3.** Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси (жисмоний тарбия 0,25).

**Танлов учун ҳужжатлар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.**

***Талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

Ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи ҳоли, мазкур кафедрада ишлаш учун тегишли олий маълумоти ҳақидаги дипломи ва қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларини тақдим қилишлари керак.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов маърузалари (университет профессор-ўқитувчилари учун очиқ машғулотлар) ўтказилади. Синов маърузалари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

***Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади:***

100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси 2-уй. Тошкент давлат аграр университети бош биноси, 2-қават, Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгаши. Телефон: 260-48-65.

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2018 йил 3-апрель сонида эълон қилинган "Яна бир тарихий обида ёхуд Амир Ҳусайн Қавчин қабри Ғузордами?" сарлавҳали мақоламизда Қашқадарё вилояти Ғузор шаҳридаги "Мусофир ота" зиёратгоҳида олиб борилган тадқиқотларимизга тўхталган эдик. Мақола юзасидан олимлар, жамоатчилик вакиллари бу масканда Соҳибқирон Амир Темурнинг вазирларидан бири Амир Ҳусайн Қавчинга тегишли қабртоши борлигига ишонч билан қарадилар.***

# Амир Ҳусайн Қавчин қабри ва Соҳибқирон туғроси ҳақида

Мусофир ота зиёратгоҳида ўттизга яқин арабий ёзувлар битилган қабр тошлари мавжуд. Қадимийлиги ташқи кўринишидан билиниб турган бу ёзув ва белгиларни тадқиқ этишни давом этдирдик. Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида истиқомат қилувчи тадқиқотчи-олим Меҳрожиддин Самарқандий ёрдамида ёдгорликлардаги ёзувларни ўрганишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Сўнгги кузатувларимизда Амир Ҳусайн Қавчинга тегишли деб тан олинган қабр тошидаги бир белги эътиборимизни тортди. Бизнинг фикримизча, бу белги Амир Темур даврида қўлланилган "ТУҒРО" деб аталган белгига мос келади.

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, туғро подшоҳларнинг ёрлиқлари, фармонлари ва шу каби ҳужжатлари тепасига қўйиладиган, уларнинг унвон ва амалларини кўрсатадиган безакли ҳарфлардан иборат белгини англатган.

Маълумки, Амир Ҳусайн Қавчин Соҳибқироннинг энг ишончли вазирларидан бири бўлган. Шундай экан, қабртошдаги белги ҳам ўша туғро бўлиши мумкин, деган хулосага олиб келади. Чунки Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома"сида айнан Амир Ҳусайн Қавчин Соҳибқироннинг эътиборли вазири эканлигини қайд қилиб ўтган. Қабртошдаги белги бодомсимон шаклда бўлиб, атрофи тўртбурчак шаклида ўралган. Албатта, замонлар ўтиши билан белгининг кўп қисмида аниқлик йўқолган. Қандайдир бўёқми ёки бошқа нарса тўкилган ҳам бўлиши мумкин.

**Ҳусниддин НУРИДДИНОВ,**
**Абдибакир ЭРГАШЕВ.**

## Митти ҳикоялар

### "Кўр" ва "кар" ҳайдовчи

Аҳадали акам донгдор раисимизга роппа–роса ўттиз йил ҳайдовчилик қилганди. Унинг таъзиясига эски раисларнинг кўплари келишди. Қабристондан қайтаётганимизда улардан бирининг: "Аҳадали "кўр" ва "кар" ҳайдовчилардан эди", деганини эшитиб қолдим.

### Нозик юмуш

Абултожи акам нафақада. Туман ижтимоий таъминот бўлими унга Тошкентдаги машҳур "Ботаника" сиҳатгоҳига йўлланма ажратди. Акамиз "Сизларга раҳмат, ёнимиздаги Иссиқсувдан бошқа жойда дам ола олмайман. Узоққа кетсам бўлмайди...", деб йўлланмани олмади. У қишлоғимизнинг ғассоли эди.

### Катта келин

Лола опам Ҳожи холамнинг катта келини эди. Ундан кейин бу ҳовлига яна тўрт келин тушган бўлсада, улуғ ёшдаги холамнинг иссиқ-совуғи ва ётиш-туришига Лола опам қарарди. Қўшни аёллар "Лолахон, элликка бориб қолдингиз, овсинларингиз ёшгина, шу ишларни қилишса бўлмайдими?", дейишса, опамиз "Бир келин олдим, ўтирдим, икки келин олдим, тик турдим, уч келин олдим, югурдим, деб бекорга айтишмаган. Мен катта келинлигимни қиляпман", дерди.

Қишлоғимиз қиз-жувонлари "Катта келин бўлсанг, Лола опадек бўл" деган азалий гапга ҳозиргача амал қилишади.

**М.ТОШБОЛТАЕВ,**
**профессор.**

## Қишлоқ оқшоми

# БЎЙНОҚ

## Ҳикоя

Аҳмад кўса ўлгудай гажир одам. Бир гапни ушлаб олдими, бўлди, тураверади, ҳеч гапидан қайтмайди, унча-мунчасига кўнмайди. Ўзига ўхшаган бир-иккитасини айтмаса, ҳеч ким у билан гап талашмайди. "Ке, қўй, шу билан баравар бўламанми", дея унга атай ён беради. Баъзилар сизники тўғри, деб уни баттар шиширади ҳам.

*Ўзи Кўсани одамлар ёмон ўргатган. Ҳақ, ноҳақ уникини маъқуллайвериб. Тўғри, унга "Эй, тўхта оғайни, мана бу жойда адашаяпсан, ундай эмас, бундай", деганлар ҳам кўп бўлган. Лекин фойдаси йўқ, ҳеч бир иш чиқаролмаган. Қайтанга балога қолган.*

*Устига устак Кўса ўта кекчи ҳам. Баъзан давраларда кимдир пайтини пойлаб "мот" қилиб қўйса, сираям эсидан чиқармайди. Кўнглида сақлаб юраверади, аламини олмагунча қўймайди. Охиригача суришиб, қаттиқ ранжитганлар билан кўпинча гаплашмай ҳам қўяди.*

*Хуллас, Аҳмад кўсанинг бўлган бўлдиги шу! Омон раис айтганидай, унинг лойи шундай қорилган. Уни ўзгартириб бўлмайди.*

*Кўсанинг қишлоқда ёмон кўрадиган одамлари кўп. Лекин энг ёмон кўргани – ҳамсояси Турсун қоранинг хотини Бўстоной. Уни келин бўлиб тушганидан бери ёмон кўради. Айтишича, келин тўйнинг эртаси куниёқ уни кўриб кўрмасликка олган ва салом бермаган экан. Ким билсин, балки салом бергандир, Кўса эшитмагандир, энди буёғи Худога аён. Лекин Кўсанинг қўшиб-чатиб гапириш одати ҳам йўқ эмас.*

*Кўса билан Турсун қоранинг уйи ўртасида девор ҳам йўқ. Уларни ҳар йили устига ток новдалари босилавериб, тупроғи уваланиб кетган уват ажратиб туради. Иккаласининг ҳам каттагина токзори бор эмасми, ҳар йили ундан чиқадиган новдалар боғланиб, шу уват бўйлаб тахлаб чиқилади. Ундан тандирўчоққа тутандириқ учун ҳам олиш мумкин эмаски, бунга икки тараф ҳам бирдай амал қилади. Сабаби, чегара бузилмасин, бир-бировининг томорқасига мол-ҳоли ўтиб кетиб, бақир-чақир бўлмасин!*

*Баъзан, уватнинг ток новдалари камроқ босилган, пастқамроқ жойларидан Турсун қоранинг қўй-эчкилари ўтиб кетиб, Кўсанинг экинларини пайхон қилади, бунинг оқибатида қўшнилар анча вақтгача аразлашиб юради. Кўсанинг қўй-эчкиси йўқ, биттагина соғин бор, холос. У қўшни тугул, эгасининг томорқасигаям мўраламайди. Кўсанинг тили билан айтганда, "нас" сигир. Ёлчитиб емиш ҳам емайди, сутам бермайди. Даштга ҳайдаб қўйиб келса, орқасидан етиб келади. Бузоғини қизғонади. Бунинг бари кўсага алам қилади. Қанийди, унинг ҳам сигири бошқаларникига ўхшаб сигири серсут бўлса, ҳамсоясиникидек ўн беш-йигирма чоғли қўй-эчкиси бўлса, улар экинларини пайхон қилса-ю, алам қилмаса...*

*Бу етмагандай, Турсун қоранинг товуқлариям Кўсанинг ғашига тегади. Биринчидан, бари зўр-зўр товуқлар! Лапанглаб-лапанглаб юришига қараганда, катта-катта тухум қўяди. Хўрозига-ку гап йўқ! Бир ўзи ўнта товуқни бемалол эплайди. Баъзан, кўсанинг товуқларигаям кучини кўрсатиб кетади. Бу атрофда унга тенг келадигани йўқ, Кўсанинг қизғиш хўрозини ҳам бир чўқишда қочирган, шу-шу олдига йўламайди.*

*Иккинчидан, Кўса шу товуқларни деб тузук экин-тикин қилолмайман, деб ўйлайди. Лекин ўзига иш ёқмаслигини тан олмайди. Баҳона-ю сабаб эса тайёр – сув йўқ, ҳамсоянинг товуқлари дастидан дод! Ваҳоланки, ариқдаги сув то ёзгача, экинлар ўзини тутиб, ҳосил бера бошлагунча қуримайди. Товуқларга келсак, Кўса ҳар куниям уларни "кишкишлаб"лаб юргани йўқ, экинини кўриш пайидан бўлиб. Ҳамсоясининг товуқлари ҳар-ҳар замон, қаровсиз қолганида кириб кетарди. Бир куни ўз-ўзидан чипор хўрози йўқолиб қолди-ю, Бўстоной товуқларини катагидан чиқармай қўйди. Хўрозни қанча изламасин, барибир топишолмади. Ит ёки мушук еган деса, пат-мати ҳам чиқмади.*

*Орадан ўн кунлар ўтгач, чипор хўроз ёди ҳам сал-пал эсдан чиқди-ю, Бўстоной яна товуқларини ташқарига, ҳовлига қўйиб юборадиган бўлди. У бир куни кечки пайт товуқларини ҳайдаб, катагига киритмоқчи бўлди. Қараса, яна битта товуқ йўқ. Бола-чақаси билан қидиришга тушди. Токзор ораларием, қўра-қўтон ҳам, қўни-қўшниникиям қолмади. Товуқ ҳеч қаердан чиқмади. Чипор хўрозникидек, пати ҳам топилмади...*

*Аввалига буни ҳеч ким Бўйноқдан кўрмади. Чунки Бўйноқнинг товуқ ушлаб ейиш одати йўқ эди. Ҳар доим товуқлар унинг олдидан бемалол ўтиб-қайтиб юрар, Бўйноқ қайрилиб ҳам қарамасди. Ҳаммаси Кўсанинг боғига сув олиш навбати келганида бошланди. Боққа қиялаб оқиб кирган ариқнинг сув ювиб, кичикроқ камар ҳосил бўлган жойидан ўша йўқолган товуқнинг қора патлари оқиб чиқди-ю, буни Кўсаникида ўйнаб юрган Турсун қоранинг қизи кўриб қолди. Қиз қурмағур дарров бориб, кўрганларини онасига айтди. Бўстоной ҳам шу заҳоти лапанглаб етиб келди. Қараса, худди шу, ўзи тухумдан очириб, жўжалигидан катта қилган қора товуғининг патлари. Жон-пони чиқиб кетди. Оғзига келганини айтиб, шанғиллай бошлади.*

*Қўлидаги кетмон билан ток жўякларига сув тараётган Кўсанинг хотини Роҳила нима қилишини, нима дейишини билолмай жойида тонг қотиб қолди.*

*"Сизгаям, хўжайинингизгаям неча марта айтдим, шу ўлгурни боғлаб қўйинглар, бир кунмас бир кун бир нарсани бошлайди, деб. Йўқ, гапимни бир тийингаям олмадинглар. Мана, товуқларимни еб бошлабди, хўрозниям шу гўрсўхта еган. Энди бир ҳаром кучукни деб, товуқ боқолмас эканмизда-а!?.. Ҳа, мен буни шундай қолдирмайман, ҳали кўрасиз, бунингиз ит бўлганига пушаймон бўлади. Товуқларимни еган тишлари битта қолмай, тўкилиб кетади...".*

*Роҳила "Балки, товуқларингизни Бўйноқ емагандир...", демоқчи бўлди-ю, демади. Чунки Бўстоной унинг гапларини эшитадиган аҳволда эмасди. Чипор хўрози-ю, семизгина қора товуғини еб қўйган Бўйноқ ва шундай лаънати итни боқиб, катта қилган ҳамсояларига бўлган нафрат унинг кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб қўйганди. Унинг ярим соатлар чамаси ияги тинмади. Охири, итни қарғай-қарғай изига қайтаркан, ёнида бораётган қизига ҳам ўшқира кетди. Қиз қўрқа-писа онасидан олдинроққа ўтиб, ортига қарай-қарай уйига қараб чопди.*

*Бақир-чақир тингач, Роҳила ҳам эс-ҳушини йиғиб уйига келди ва даҳлизда сирли сатилдан муздай сув олиб симираётган эрига: "Бугунданоқ Бўйноқнинг бўйнига занжир солинг", деди. Панароқда ҳамма гапни эшитиб бўлган Кўса:*

*– Занжир-панжир солинмайди, – деди қўлидаги косани токчага қўяркан ҳансираб. – Бўйноқ бировнинг товуғини ейдиган итмас! – Мен уни яхши биламан, унинг*



*бундай қилиғи йўқ!*

*– Менам шундай, деб ўйладим, – деди Роҳила одатдагидай эрининг гапини маъқуллаб. – Лекин Бўстоной қулоқ-миямни қоқиб, қўлимга берди...*

*– Тилинг йўқми, сенинг, аҳмоқ? – Нега индамайсан, нега ҳамма гапини жим эшитиб тураверасан? Ув, гапингни саал ўйлаб гапир, аниқ кўрдингми ёки ушлаб олдингми, итимнинг товуғингни еяётганини, демайсанми? Бу атрофда бизникидан бошқа ит йўқми, нима, ариқдан товуғининг пати оқиб келса, Бўйноқ айбдор бўлиши керакми? Ахир, Бўйноқни биласан-ку! Унинг шундай иш қилишига ишонасанми? Мен ишонмайман, Бўйноқ ундай қилмайди, у фақат олдига қўйилганинигина еб ўрганган.*

*...Бўйноқ ҳовли адоғидаги эски молхона деворлари ичидан ғингшиб-ғингшиб чиқди-да, тандир айвон орқасига судралгудек бўлиб ўтиб кетди. Кўса секин итнинг ортидан юрди. Ит тезда ҳолдан тойди. Тандир айвон орқасидаги лойхандаққа етганида, ётиб олди. Кўса қўрқа-қўрқа итига яқинлашди ва совий бошлаган оёқларини ушлаб кўриб дарров ҳаммасини тушунди. Ит жон бераётганди. Кўса азобланаётган итига ич-ичидан ачиниб, унинг кўзларига қаради. Ғира-шира қоронғуликда итнинг чала юмуқ кўзларидан ёш сизиб чиқар, у эгасидан сўнгги бор нажот кутаётгандек ётарди. Кўса йиғламоқдан бери бўлиб қадрдон итининг бошини силади ва алам билан сўкинди: "Ҳе, энангди... қанжиқ!". Ит кўзларини каттароқ очиб қаради, эгасининг сўкинаётганига ўзича изоҳ излади...*

*Кўса Бўйноқни уйидан қуйироқдаги жарга кўмиб қайтаркан, "уҳ", деди ғазабдан кўзлари косасидан чиққудай бўлиб.– Эркак бўлганингда-ку, ўзим билардим, нима қилишни. Аёлсан-да, аёлсан!!!*

*Кўса бир-икки кун нима қиларини, ўзини қаерга қўярини билмай юрди. Турганда ҳам, ўтирганда ҳам Бўстонойнинг гўрига ғишт қалади, Бўйноққа дори берган қўлларинг узилиб тушсин, дея қарғади. Бўстонойнинг чизган чизиғидан чиқмайдиган Турсун қоранинг ҳам шаънига айтилмаган сўз қолмади.*

*Кунлар ўтаверди. Аста-секин Бўйноқ билан боғлиқ юракдаги доғлар ҳам кета бошлади. Лекин Кўсанинг кўнглидаги яра битмади. Бўйноқни эслади, дегунча ичини бир нарса ўртаб кетаверди. Ўйлаб-ўйлаб, охири бир қарорга келдики, шундай қилса, ичидаги ўт ўчадигандек, алам босиладигандек эди.*

*У бир куни эрта саҳар туриб, тоққа, Чўнқаймишга йўл олди. Кун қизимасидан етиб олай, деб эшагини ниқтабниқтаб ҳайдади. Тушга яқин отақадрдони Ҳамдамникига етиб келди. Кўса Ҳамдамга Бўйноқнинг ўлганини айтмади. Тўғрироғи, айтишга уялди. Унга битта урғочи кучук кераклигини, чўпонлардан топиб беришини илтимос қилди. Буни эшитиб Ҳамдам ичида кулиб қўйди. Кўсанинг ниятини ўзича тусмол қилди: "Қишлоғида бўйноқчаларни кўпайтирмоқчи?..".*

*Ҳамдам Кўсани бир неча чўпон ошналариникига олиб борди. Чўпонлар уларга шу йил баҳорги кучуквачалардан кўрсатишди. Кўса худди Бўйноқдек, бўйни оқ бир кучуквачани танлади, чўпонлар унга ошириб-тошириб таъриф беришди. Зотини хўб мақташди.*

*Шундан сўнг Кўса Ҳамдам билан ҳам хайр-хўш қилиб, ортига қайтди.*

*У кучуквачани гоҳ эшагининг хуржунига солар, гоҳ хуржундан чиқариб, олдига олар экан, ёш боладай қувониб, бир гапни такрорларди: "Энди Бўстонойнинг шўри қурийди, энди унга кўрсатаман!!!".*

*Кўса айни пода қайтар маҳали уйига етиб келди. Роҳила унинг қўлидаги кучуквачани кўриб, аввалига ҳайрон бўлди. Кўса тоққа, чўпонлар қишлоғига бориб-келганини айтгач, тушунди. Кучуквачанинг Бўйноққа ўхшаб кетиши унга бўлиб ўтган воқеаларни яна бир марта эслатиб юборди.*

*Кучуквачани кўриб, ҳаммадан ҳам кўра Кўсанинг кенжа қизи Нурсулув хурсанд бўлиб кетди. Унинг бошидан силаб, эркалар экан отасидан сўради: "Кучукча Бўйноққа ўхшаркан, унга ҳам Бўйноқ, деб от қўямизми?".*

*– Йўқ, қизим, – деди Кўса хўрсиниб. – Бу кучукчага бошқа от қўйишимиз керак.*

*– Хўш, нима деб от қўямиз унда?*

*– Унга Мастоной, деган от мос тушади, қизим. – Уни Мастоной, деб чақирамиз!*

*– Мастоной! – Бўстоной холанинг отига ўхшаб кетаркан-а..?*

*– Ўхшаса, ўхшар, лекин бу от кучукка жуда ярашади.*

*Бўстоной ҳамсоясининг кучук асрагани, уни Мастоной деб атагани, ҳаммасини эртаси куниёқ қизидан эшитди. Эшитиб, ҳангу-манг бўлиб қолди. Айни тол тушдаги манзара эса уни баттар эсанкиратди...*

*Бўстоной тут шохига осилган сузма халтадан чакки олиб, чалоп қилаётган эди. Бирдан кўзи токзор билан анжир орасидаги уват бўйлаб кетаётган, ёзда токзорларда, қишда қўра-ю қўтонларнинг томларида яшаб юрадиган ёввойи малла мушукка тушди. Мушукнинг оғзида бир оқ товуқ бор эди. У пастга, Кўсанинг томорқаси бошланишидаги ўша камарга қараб кетяпти. Бўстоной ҳай-ҳайлаганича шу томонга қараб тез-тез қадам ташлади. Мушук сакраб-сакраб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ток новдалари босилган уватдан ўтаётганида оғзидаги товуқ тушиб қолди. Бўстоной уриниб-суриниб келиб кўрса, қизғиш тусга кирган оқ товуқнинг аллақачон жони узилганди.*

*Шу онда Бўстонойнинг кўз ўнгига бирданига Бўйноқ келди, ичидан бир нарса узилгандек бўлди. Хаёлидан "Бўйноқ айбсиз экан, ноҳақ унинг жонига жабр қилибман", деган ўй ўтди. У мушукнинг оғзида жон берган оқ товуқни титроқ қўллари билан камарга иргитиб, ортига қайтди ва сал юриб, тупроғи уваланиб кетган чол деворга суянганича ўтириб қолди.*

***Раимқул СУЯРОВ***

## Шифога кон жағ-жағ

Жағ-жағ инсон организмида модда алмашинувини яхшилайди, жароҳатларнинг битишини тезлаштиради, сийдик ҳайдайди, буйрак оғриқларига ижобий таъсир кўрсатади.

Замонавий тиббиёт амалиётида жағ-жағдан тайёрланган дори-дармонлар буйрак, ўпка хасталикларини даволашда, бачадонда бемаврид оқаётган қонни тўхтатишда, унинг мушак тонусини оширишда ишлатилади.

Жағ-жағнинг саноат миқиёсидаги суюқ экстракти, спиртли тиндирмаси, қадоқланган ўти билан бир қаторда йиғма чойлари ҳам чиқарилади.

Реклама




Реклама ва эълонлар




"MODERN SERVICE GOLD" МЧЖнинг устав фонди 712 954 979,44 сўм миқдоридан 428 909 000 сўм миқдорига камайтирилмоқда. Мурожаатлар учун тел.: (71) 290-97-99.

* * *

"YUTM-PARRANDA" МЧЖнинг устав фонди 1 892 698 471 сўм миқдоридан 10 000 000 сўм миқдорига камайтирилмоқда. Мурожаатлар учун тел.: (97) 414-47-72.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99897) 575-50-67; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 520-20-05; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99897) 290-28-88. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7 545 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 05.20

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАҚБЕРДИЕВ